

**ПУШТИ РАНГЛИ ЎРТА МЕВАЛИ ПОМИДОР НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИ
СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ МАНБА****Алматов Бахром Тухтамуратович**

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий
тадқиқот институти таянч докторанти
baxromalmatov05@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0006-0089-611X>

Тел.: +998919717103

**Арамов Музаффар Хошимович**

Термиз давлат мухандислик ва агротехнологиялар
университети Мева-сабзавотчилик, узумчилик
кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

E-mail: aramov-muzaffar@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0004-2792-3283>

Тел.: +998902356161

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон жанубида ўрта меваги пуштиранг помидор нави ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манба яратиш бўйича тадқиқотлар натижаси келтирилган. Вегетация даври, ўсимлик баландлиги, мева вазни, мева баландлиги, меванинг эни, меванинг индекси, ёрилишга мойиллиги, меванинг биохимиявий таркиби, ҳосилдорлик бўйича истиқболли навлар ажратилган ва улар селекция ишлари учун бошланғич манба сифатида тавсия этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Помидор, пуштиранг, ўсимлик баландлиги, мева вазни, мева баландлиги, мева эни, мева индекси, ёрилишга мойиллиги, биохимиявий таркиби, ҳосилдорлик, вегетация даври.

**ИСХОДНЫЙ МАТЕРИАЛ ДЛЯ СЕЛЕКЦИИ СРЕДНЕПЛОДНЫХ СОРТОВ И
ГИБРИДОВ ТОМАТА С РОЗОВОЙ ОКРАСКОЙ****Алматов Бахром Тухтамуратович.**Докторант Научно-исследовательского института
овоще-бахчевых культур и картофеля
baxromalmatov05@gmail.com<https://orcid.org/0009-0006-0089-611X>

Тел.: +998919717103

Арамов Музаффар Хошимович.д.с.х.н., профессор кафедры плодоовощеводства и виноградарства
Термезского государственного университета инженерии и агротехнологийE-mail: aramov-muzaffar@mail.ru<https://orcid.org/0009-0004-2792-3283>

Тел.: +998902356161

АННОТАЦИЯ

В статье представлены результаты исследований по выявлению исходного материала для селекции среднеплодных сортов и гибридов томата с розовой окраской на юге Узбекистана. Отобраны перспективные среднеплодные сорта с розовой окраской по периоду вегетации, высоте растений, массе плодов, высоте и ширине плодов, индексу плодов, склонности к растрескиванию, биохимическому составу, продуктивности. Они рекомендованы в качестве исходного источника для селекционной работы.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Томат, розовая окраска, высота растения, масса плода, высота и ширина плода, индекс плода, склонность к растрескиванию, биохимический состав, урожайность, вегетационный период.

**SOURCE MATERIAL FOR BREEDING MEDIUM-FRUIT VARIETIES AND HYBRIDS
OF TOMATO WITH PINK COLOR****Almatov Bakhrom Tukhtamuratovich.**

Doctoral student of the Research Institute of Vegetables, Melons and Potatoes

baxromalmatov05@gmail.com<https://orcid.org/0009-0006-0089-611X>

Тел.: +998919717103

Aramov Muzafar Khoshimovich.Professor of the Department of Fruit and Vegetable Growing
and Viticulture of the Termez State University of Engineering
and Agricultural Technologye-mail: aramov-muzaffar@mail.ru<https://orcid.org/0009-0004-2792-3283>**ABSTRACT**

The article presents the results of studies on identifying the source material for breeding medium-fruited varieties and hybrids of tomato with pink coloring in the south of Uzbekistan. Promising medium-fruited varieties with pink coloring were selected based on the vegetation period,

plant height, fruit weight, fruit height and width, fruit index, tendency to cracking, biochemical composition, and productivity. They are recommended as the source for breeding work.

KEYWORDS: Tomato, pink coloring, plant height, fruit weight, fruit height and width, fruit index, tendency to cracking, biochemical composition, productivity, vegetation period.

КИРИШ. Пушти рангли помидорлар азалдан Хитой, Япония мамлакатларида кенг тарқалган ва истеъмол қилинган. Кейинчалик у Европа мамлакатларига тарқалган.

Ўзбекистонда ҳам помидорнинг пушти рангли маҳаллий навлари етиштирилиб, истеъмол қилиниб келинмоқда. Ҳозир давлат реестрида 3 та: Севара, Баходир, Дархон навлари киритилган. Аммо, улар ҳозирги бозор талабларига жавоб бера оладиган навлар эмас.

Ҳозирги пайтда сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги билан шуғулланиб келаётган чет эл фирма, компания ва илмий тадқиқот муассасалари каталогларида турли туман пушти рангли нав ва дурагайлар таснифи келтирилган. Жумладан, Sakata (Япония) фирмасида яратилган F₁ Пинк парадайс дурагайи республикамизда иссиқхоналарда кўплаб етиштирилмоқда.

Республикамизда пушти рангли помидор нав ва дурагайларини яратиш бўйича мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Шундан келиб чиқиб 2022-2024 йилларда СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий тажриба станциясида 41 та пушти рангли помидор нав намуналари ўрганилди. Ушбу мақолада ўрта мевали (100 г гача) навларни ўрганиш натижалари келтирилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАДҚИҚОТЛАР УСЛУБИ

Алимов Ш.К., Тареев М.М. (2015) маълумотларига кўра 2015 йил Ўзбекистонда “Пушти рангли помидор: Ўрта Осиёда ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва бозор талаблари” мавзусида биринчи Ҳалқаро конференция ўтказилган. Келтирилган маълумотларга қараганда 2015 йилда Ўзбекистонда 500 га иссиқхоналарда ва 2000 га очик майдонларда пушти рангли помидор етиштирилган. Статистик маълумотлар бўйича 2014 йил октябрь ойидан 2015 йил май ойигача етиштирилган пушти рангли помидорнинг 90 % Россия Федерациясига экспорт қилинган.

Пушти рангли помидор нав ва дурагайлари селекцияси билан деярли жуда кўплаб илмий тадқиқот институтлари, селекция ва уруғчилик компаниялари шуғулланмоқда.

Россия Федерацияси Астрахань вилоятида жойлашган Бутунроссия суғорма сабзавотчилик ва ползчилик ИТИ да помидор нав ва дурагайларини яратиш борасида кенг камровли селекция ишлари олиб борилган. Авдеев А.Ю (2006), Авдеев Ю.И., Авдеев А.Ю., Иванова Л.М., Кигашпаева О.П., Бочкарёва Е.С (2010), Авдеев А.Ю., Авдеев Ю.И., Иванова Л.М., Кигашпаева О.П., Лаврова Л.П., Джабраилов В.Ю., Катакаев Н.Х., Бажмаева Ф.К. (2012), Авдеев Ю.И., Авдеев А.Ю., Иванова Л.М., Кигашпаева О.П. (2012) лар томонидан олиб борилган кўп йиллик селекция ишлари натижасида пушти рангли Малиновой Шар, Малиновка, Клеопатра, Супергол малиновый, Малиновый глобус, Бычье сердце малиновое, Лучистый, Гигант полосатый, Гигантелла навлари яратилган.

“Гавриш” компаниясида F₁Пантикапей, F₁Понт, F₁Прагматик, F₁Пятница, F₁Розалетта, F₁Розмакс, F₁Ролекс, F₁Родбиф, F₁Мамба, F₁Самба, F₁К-1074/12 ва шу каби бир қатор пушти рангли биринчи авлод дурагайлари яратилган (Выродова, Янович, 2008; Кибанова, Гиш, 2016; Гавриш, Редичкина, 2013 ваб.х.)

“Поиск” агрохлодингида F₁Розанна, F₁Розетта, F₁Боярин, F₁Пресиановский, F₁Сударь, F₁Розовый фрегат, F₁Розовый носик, F₁Легионер каби пушти рангли помидор дурагайлари яратилган (Огнев, Терешонкова, Ховрин, 2017; Огнев, Чернова, Костенко, Барбаричкая, Ховрин, Терешонкова, 2018; Чернова, Огнев, Корсунов, 2019). Келтирилган маълумотлар пушти рангли помидор нав ва дурагайлари яратишда катта натижаларга эришилганлиги ва бу селекциянинг асосий йўналишларидан бири эканлигини кўрсатади

Тадқиқотлар Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны) [ВИР. Л., 1977], «Методика полевого опыта» (Доспехов, 1985), «Руководство по апробации овощных культур и кормовых корнеплодов» (М., 1982), «Методика полевого опыта в овощеводстве» (М., 2011) каби услубий кўрсатмалар ва услублар асосида олиб борилди.

Тажриба қайтариқсиз. Ҳисоб бўлмачаси майдони 4,5 м². Бўлмача 2 қаторли. Бўлмачада ўсимликлар сони 20 та. Экиш схемаси 90 x 25 см. Тажибада стандарт нав Севара ҳар 10 та нав намунасида кейин жойлаштирилди.

Уруғлар биогумус ва тупроқ (2:1 нисбатда) аралашмаси билан тўлдирилган кассеталарга февралнинг биринчи ўн кунлигида сепилди. Кўчатлар 4-5 барг даврида баландлиги 15-17 см бўлганда очик далаларга чиқариб ўтказилади.

ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАСИ. Вегетация даври ҳар хил бўлган нав ёки дурагай яратиш селекциянинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Эртапишарлик жуда мураккаб белги бўлиб, у жуда кўп белгилар билан чамбарчас боғланган. Алоҳида ривожланиш фазалари ва бутун вегетация даврининг давомийлиги ҳақидаги маълумотлар эртапишар нав ёки дурагайлар селекцияси учун ота-она шаклларни танлашда муҳим ҳисобланади. Помидорда асосан 2 та ривожланиш фазасини аниқлаш одат тусига кирган. Биринчиси униб чиқиш-гуллаш, иккинчиси гуллаш-меваларнинг пишиши даврларидир. Етакчи селекционер олимлар академиклар Д.Д.Бреженев (1956), А.В.Алпатов (1981), к.х.ф.д., профессорлар Ю.И.Авдеев (1982), С.Н.Гавриш (2014) тадқиқотларига кўра ана шу даврлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил ҳолда наслдан-наслга берилади. Бу эса қисқа биринчи даврга эга бўлган навларни қисқа иккинчи даврга эга бўлган навлар билан чатиштириш асосида жуда эртапишар нав ва дурагайлар олиш имконини беради.

Ўрта мевали навлардан Малиновы Ожаровски (49 кун), Соколиный клюв (49 кун), Розовый пупс (48) кабилар униб чиқиш-гуллаш даврининг нисбатан қисқалиги билан ажралиб туради. Розовый каскад (59 кун), Розовая свеча (62 кун), Японский трюфель розовый (64-кун), Каскадый уд (64 кун) каби навларда бу давр жуда давомий бўлди ва 59-64 кунни ташкил этди (1-жадвал). Бошқа ўрганилган навларда бу даврнинг давомийлиги 50-54 кун атрофида бўлди. Эртапишар пушти рангли навлар яратишда униб чиқиш-гуллаш даврининг давомийлиги 48-49 кун бўлган Малиновы Ожаровски, Соколиный клюв, Розовый пупс навлари истиқболли бўлиб ҳисобланади. Гуллаш-меваларнинг техник пишиши даврининг қисқалиги билан Севара, Свадьба в Малиновке, Розовый-483, Лотос, F₁ Малиновые яблочки, Малиновы Ожаровски, Розовый пупс, Розовая свеча, Японский трюфель розовый, Каскадый уд каби навлар ажралиб турди ва бу даврнинг давомийлиги 44-49 кунни ташкил этди. Бу даврнинг жуда қисқалиги билан Ляна розовая нави ажралиб турди ва бу даврнинг давомийлиги 41 кунни ташкил этди.

Маълумки, ўсув (вегетация) даврининг давомийлигига қараб помидор нав ва дурагайлари жуда эртапишар (105 кунгача), эртапишар (106-110 кун), ўрта эртапишар (111-115), кечпишар (116-120) бўлиши мумкин (3).

1-жадвал

Ўрта мевали нав намуналари ривожланиш даврларининг давомийлиги, 2022- 2024 йй.

т/р	Нав номи	Ривожланиш даврининг давомийлиги, кун		Ўсув даври ёки ёппасига униб чиққандан меваларнинг дастлабки пишишигача бўлган давр
		Ёппасига униб чиқиши- дастлабки гуллаши	Ёппасига гуллаши- меваларнинг дастлабки пишиши	
1	Севара, ст.	50	44	94
2	Малиновый мёд	51	52	103
3	Румяный мужичок F ₁	52	53	105
4	Свадьба в Малиновке	53	49	102
5	Розовый-483	54	49	103
6	A-17	49	52	101
7	Лакомка	50	56	106
8	F ₁ Розовая Андромеда	53	52	105
9	Розовый каскад	59	52	111
10	Лотос	53	48	101
11	Ляна розовая	52	41	93
12	Малиновые яблочки F ₁	51	47	98
13	Малиновы Ожаровски	49	45	94
14	Соколиный клюв	49	52	101
15	Розовый пупс	48	49	97
16	Розовая свечка	62	49	111
17	Японский трюфель розовый	64	47	111
18	Каскадный уд	64	47	111
19	Домашняя заготовка	51	59	110

Вегетация даври ёки ёппасига униб чиққандан дастлабки меваларнинг дастлабки пишишигача бўлган даврнинг қисқалиги билан Севара, Ляна розовая, F₁ Малиновые яблочки, Малиновы Ожаровски, Розовый пупс навлари ажралиб турди. Ушбу навларда вегетация даврининг давомийлиги 94-99 кунни ташкил этди ва улар қабул қилинган градацияга кўра жуда эртапишар гуруҳга киритилади. Эртапишар нав ва дурагайлар яратишда ушбу гуруҳга киритилган навлар жуда истиқболли бўлиб ҳисобланади.

Ўрта мевали пушти рангли помидор нав намуналарининг морфобиологик тавсифи 2 жадвалда келтирилган. Ўсимлик баландлиги бўйича навлар турли-туман эканлиги маълум бўлди. Энг паст бўйли детерминант (44-54 см) ўсимликлар Севара, Розовый пупс навларида

кузатилди. Жуда кўпчилик Малиновый мёд, F₁ Румяный мужичок, Свадьба в Малиновке, Розовый-483, А-17, Лакомка, F₁ Розовая Андромеда, Соколиный клюв каби навлар эртапишар гуруҳга киритилади. Буларда амал даври 101-107-кунни ташкил этди. Амал даври 111 кун бўлган Розовая свеча, Японский трюфель розовый, Каскадный уд навлари ўрта эртапишар навлар ҳисобланади.

Ўсимлик баландлиги ҳам муҳим белгилардан бири ҳисобланади. Ўсимлик баландлиги бўйича навлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: супердетерминант, пакана (30 см гача), детерминант, паст бўйли (30-50 см), ярим детерминант, ўрта бўйли (51-90 см), индетерминант, баланд бўйли (91-150 см), жуда баланд бўйли (150 см дан юқори). Бизнинг тадқиқотларимизда супердетерминант навлар аниқланмади.

Севара, Розовый пупс, Каскадный уд навларида ўсимлик баландлиги 44-50 см бўлиб, улар детерминант гуруҳга киритилди. Бундай детерминант навлар саноат асосида етиштиришни тўлиқ механизациялаш имконини беради.

Ярим детерминант навларга F₁ Румяный мужичок, Домашняя заготовка, Розовый-483, F₁ Розовая Андромеда, Лотос, Ляна розовая, F₁ Малиновые яблочки, Соколиный клюв, Японский трюфель розовый кабилар киритилди ва уларда ўсимлик баландлиги 60-83 см ни ташкил этди. Узун палакли Малиновый мёд, Свадьба в Малиновке, А-17, Лакомка, Розовый каскад, Малиновы Ожаровски, Розовая свеча навларида ўсимлик баландлиги 101-118 см ни ташкил этди. Бундай навлар томарка хўжаликларида ва иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган навлар яратишда истиқболли бўлиб ҳисобланади.

Мева вазни ҳам муҳим хўжалик белгиларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда истеъмолчи ёки бозор томонидан мевасининг катталиги ҳар хил 10 г дан 500 г гача бўлган нав ва дурагайларга талаб катта бўлмоқда.

Ўрганилган ўрта мевали пушти рангли помидор нав намуналарида мева вазни 51-98 г атрофида бўлди. Нисбатан кичик мевалар Розовая свечка навида кузатилади ва 35 г ни ташкил этди. Бу белги жиҳатидан ўрганилган навлар истиқболли ҳисобланади.

2-жадвал

Пушти ранг помидор нав намуналарининг морфобиологик тавсифи, 2022-2024 й.й.

№	Нав намуналари	Ўсимлик баландлиги-ги, см	Мева				Ёришига мойиллиги-ги	Қаттиқлиги, балл
			вазни, г	баландлиги, см	эни, см	индекси		
1	Севара, ст.	44	73	4,4	5,1	0,9	чидамли	3
2	Малиновый мёд	105	90	4,5	5,7	0,8	ўртача	3
3	Румяный мужичок F ₁	73	93	4,7	5,5	0,9	ўртача	3
4	Свадьба в Малиновке	106	83	4,6	5,3	0,9	ўртача	4
5	Розовый-483	83	88	4,8	5,3	0,9	ўртача	4
6	А-17	104	87	4,6	5,5	0,8	чидамли	4

7	Лакомка	106	78	4,7	5,1	0,9	ўртача	3
8	F ₁ Розовая Андромеда	71	82	4,5	5,2	0,9	ўртача	3
9	Розовый каскад	118	60	4,8	4,4	1,1	ўртача	4
10	Лотос	64	66	4,2	5,0	0,8	ўртача	4
11	Ляна розовая	67	63	4,5	4,9	0,9	чидамли	4
12	Малиновые яблочки F ₁	76	53	4,1	4,7	0,9	чидамли	4
13	Малиновы Ожаровски	105	59	4,4	4,7	0,9	чидамсиз	3
14	Соколиный клюв	73	94	7,1	4,7	1,5	ўртача	3
15	Розовый пупс	54	59	5,0	4,5	1,1	ўртача	3
16	Розовая свечка	101	35	7,1	3,1	2,3	ўртача	4
17	Японский трюфель розовый	82	51	5,4	4,0	1,3	ўртача	3
18	Каскадный уд	50	62	4,1	4,9	0,8	ўртача	3
19	Домашняя заготовка	61	98	6,4	5,2	1,2	чидамли	4

Мева шакли ўрганилган кўпгина навларда юмалок, ясси-юмалок (индекси 0,8-0,9) бўлди. Шу билан бир қаторда узунчоқ (индекси 1,3-1,5) Соколиный клюв, Японский трюфель розовый, Домашняя заготовка навлари ва жуда узунчоқ (индекси 2,3) Розовая свечка нави ажратилди.

Кўпчилик пушти рангли помидор мевалари ёрилишга мойил бўлади. Бу эса уларнинг транспортбоплиги ва товарбоплигини пасайтиради.

Мевалари ёрилишга чидамли Севара, А-17, Ляна розовая, F₁ Малиновые яблочки, Домашняя заготовка навлари ажратилди. Малиновы Ожаровски нави мевалари ёрилишга жуда мойил бўлади. Бошқа ўрганилган навларда меваларнинг ёрилишига чидамлилиги ўртача бўлди ёки улар ёрилишга мойиллиги кучли бўлди.

Ҳосилдорлик ва унинг сифати у ёки бу навнинг ишлаб чиқаришга яроқлилигини белгилайдиган кўрсаткич ҳисобланади.

Ўрганилган ўрта мевали пушти рангли помидор нав намуналарининг умумий ҳосилдорлиги 8,2 дан 60,2 т/га гача бўлди, 3-жадвал. Энг юқори умумий ҳосилдорлик Ляна розовая, F₁ Малиновые яблочки, Малиновы Ожаровски, F₁ Румяный мужичок, А-17 каби нав ва дурагайларда кузатилди. Ҳосилдорлик ушбу навларда 47,0-60,2 т/га ни ташкил этди.

Ушбу навларда умумий ҳосилдорлик стандарт Севара навига нисбатан 123,7-158,4 % юқори бўлди. Лотос, Лакомка, Соколиный клюв, Свадьба в Малиновке, Малиновый мёд каби нав намуналари умумий ҳосилдорлиги стандарт навга тенг ёки унга нисбатан бироз юқори бўлди.

Шу билан бир қаторда ҳосилдорлиги нисбатан паст нав намуналари ҳам ажратилди. Бундай навларга Розовый каскад, Каскадный уд, Розовая свечка, Японский трюфель розовый кабилар киритилди. Уларнинг умумий ҳосилдорлиги 8,2-26,3 т/га ни ташкил этди. Бу стандарт навга нисбатан 21,5-69,2 % демакдир.

Энг юқори эртаги ҳосилдорлик (биринчи уч терим) F₁ Малиновые яблочки, F₁ Румяный мужичок, Свадьба в Малиновке, А-17, Малиновый мёд нав намуналарида кузатилди. Ушбу навларда эртаги ҳосилдорлик 23,2-27,2 т/га ни ташкил этди ва бу стандарт Севара навига нисбатан 129,6-151,9 % эканлиги аниқланди. Ляна розовая, Лотос, Соколиный клюв, Розовый-483, Домашняя заготовка каби навлар эртаги ҳосилдорлиги бўйича стандарт нав билан тенг ёки ундан биров юқори бўлди.

Товарбоп ҳосилдорлик Ляна розовая, F₁ Малиновые яблочки, Малиновы Ожаровски, F₁ Румяный мужичок, А-17 каби нав намуналарида юқори бўлди ва 44,7-57,3 т/га ни ташкил этди. Бу стандарт Севара навига нисбатан 122,5-156,9 % ни ташкил этади. Товарбоп ҳосилнинг ушбу навларда юқорилиги умумий ҳосилдорликнинг юқорилиги, меваларнинг ёрилишга чидамлилиги ва қаттиқлиги билан изоҳланади.

Товарбоп ҳосилдорлиги бўйича стандартга нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлган навлар ҳам мавжуд, лекин уларда умумий ҳосилда товарбоп ҳосилнинг улуши жуда катта бўлди.

Хусусан, Домашняя заготовка навининг умумий ҳосилдорлиги 33,4 т/га (стандартга нисбатан 87,9 %) ни, товарбоп ҳосил эса 30,9 т/га ни ташкил этди. Товарбоп ҳосилнинг умумий ҳосилдаги улуши 92,5 % ни ташкил этди. Лакомка навида умумий ҳосилдорлик 39,1 т/га ни, товарбоп ҳосилдорлик эса 37,4 т/га ни ташкил этди. Ҳосилнинг товарбоплиги 95,6 % ни ташкил этди. Бундай навлар ҳам бошланғич манба сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

3-жадвал

Ўрта мевали помидор нав намуналарининг умумий, эртаги ва товарбоп ҳосилдорлиги, 2022-2024 й.

Т/р	Нав ва дурагайлар	Умумий ҳосилдорлик, т/га		Эртаги ҳосилдорлик, т/га		Товарбоп ҳосилдорлик, т/га	
		т/га	Стандарт навга нисбатан, %	т/га	Стандарт навга нисбатан, %	т/га	Стандарт навга нисбатан, %
1	Севара, ст.	38,0	100	17,9	100	36,5	100
2	Ляна розовая	60,2	158,4	18,1	101,1	57,3	156,9
3	Малиновые яблочки F ₁	49,4	130	23,2	129,6	47,8	130,9
4	Малиновы Ожаровски	50,7	133,4	10,6	59,2	47,8	130,9
5	Лотос	41,9	110,2	20,3	113,4	39,9	109,3
6	Румяный мужичок F ₁	48,3	127,1	24,4	136,3	45,8	125,4
7	Лакомка	39,1	102,8	17,1	95,5	37,4	102,4
8	Розовый пупс	36,5	96,0	13,9	77,6	33,9	92,8
9	F ₁ Розовая Андромеда	37,5	98,6	16,9	94,4	35,6	97,5
10	Соколиный клюв	43,6	114,7	18,2	101,6	40,7	111,5

11	Свадьба в Малиновке	43,6	114,7	24,3	135,7	41,4	113,4
12	А-17	47,0	123,6	27,2	151,9	44,7	122,4
13	Розовый-483	40,8	107,3	21,3	118,9	38,4	105,2
14	Розовый каскад	26,3	69,2	14,7	82,1	25,1	68,7
15	Малиновый мёд	42,1	110,7	23,3	130,1	39,6	108,4
16	Каскадный уд	19,1	50,2	15,4	86,0	17,2	47,1
17	Розовая свечка	12,1	31,8	9,0	50,2	10,9	29,8
18	Японский трюфель розовый	8,2	21,5	6,5	36,3	7,8	21,3
19	Домашняя заготовка	33,4	87,9	18,9	105,6	30,9	84,7

МУҲОКАМА

Ўзбекистонда пушти рангли помидор нав ва дурагайларига эҳтиёж жуда катта бўлишига қарамасдан бу йўналишда мақсадли селекция ишлари етарли даражада олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштиришга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига Баҳодир, Севара, Дархон каби навлар киритилган. Аммо улар ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Мамлакатимизда пушти рангли помидор нав ва дурагайлари яратиш бўйича мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шундан келиб чиқиб пушти рангли помидор селекцияси учун бошланғич манба ажратиш мақсадида турли эколого-географик минтақалардан олиб келинган 41 та нав намуналари ҳар томонлама ўрганилди ва истиқболли нав намуналари ажратилди. Бу ажратилган нав намуналари эрта ва ўртапишар, мевасининг вазни ва шакли турлича, серҳосил нав ва дурагайлар олиш учун қимматли бошланғич манба бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

1. Турли эколого-географик минтақалардан келтирилган 19 та ўрта мевали пушти рангли нав ва дурагайлар ўрганилган ва селекция ишлари учун қимматли бошланғич манба ажратилган.

2. Эртапишар нав ва дурагайлар селекцияси учун вегетация даври 94-99 кун бўлган Севара, Ляна розовая, F₁ Малиновые яблочки, Малиновы Ожаровски каби навлар тавсия этилади.

3. Энг юқори умумий (47,0-60,2 т/га) ва товарбоп (44,7-57,3 т/га) ҳосилдорлик Ляна розовая, F₁ Малиновые яблочки, F₁ Румяный мужичок, Малиновы Ожаровски, А-17 навларида кузатилди ва улар юқори ҳосилли нав ва дурагайлар яратишда қимматли бошланғич манба бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимов Ш., Тарасев М.М. «1-международная конференция розовый томат: производство, потребление и рыночные тренды в центральной азии» Овощи России. Научно-практический журнал.-2015. №3-4.-С.62-63.
2. Авдеев А.Ю. Селекция и испытание сортов томата для индивидуальных и коллективных хозяйства Нижнего Поволжье //Автореф. дисс... канд.с.-х.наук. Астрахань.-2006.-23с.
3. Авдеев Ю.И., Авдеев А.Ю., Иванова Л.М., Кигашпаева О.П., Бочкарёва Е.С. Биологическое преимущество гетерозисной селекции над селекцией сортов-

- заблуждение и поддерживаемый миф... новые подходы в селекции. // Овощи России.- 2010.- №3 (9).-С.48-54.
4. Авдеев А.Ю., Авдеев Ю.И., Иванова Л.М., Кигашпаева О.П., Лаврова Л.П., Джабраилов В.Ю., Катакаев Н.Х., Бажмаева Ф.К. Некоторые результаты селекции сортов овощных культур для Юга России.//Теоретические и прикладные проблемы АПК.-2012.-№3.-С.10-12.
 5. Авдеев А.Ю., Авдеев Ю.И., Иванова Л.М., Кигашпаева О.П. Метод селекции томата с малиновыми плодами, обладающими высокой устойчивостью к растрескиванию. //Матер.международ. науч.практ.конф. “Орашаемое овощеводство бахчеводство в развитии адаптивно-ландшафтных систем Юга России”. Изд. РАСХН-ВНИИООБ, Астрахань- 2012. –С. 76-78.
 6. Выродова А.П., Яновчик О.Е. Окраска плодов томата определяет их биологическую ценность. // Картофель и овощи.-2008.-№2.-С.30.
 7. Гавриш С.Ф., Редичкина Т.А. Мелкоплодные гибриды томата для защищенного грунта. ГАВРИШ.-2013.- №4.-С.7-9.
 8. Кибанова Н. А., Гиш Р. А. Сортоиспытание новых розовоплодных гибридов томатов в зимних и необогреваемых пленочных теплицах. X всероссийская конференция молодых ученых Краснодар.-2016. -С.688-689.
 9. Огнев В.В., Терешонкова Т.А., Ховрин А.Н. Томаты для юга: потребности рынка и ответы отечественной селекции. // Картофель и овощи.-2017.-№11.-С.34-36.
 10. Огнев В.В., Чернова Т.В., Костенко А.Н., Бабарицкая И.В., Ховрин А.Н., Терешонкова Т.А. Розовоплодный гибрид томата F₁ Першановский в открытом грунте на юге России. //Картофель и овощи.-2018.-№11.-С.20.
 11. Чернова Т.В., Огнев В.В., Корсунов Е.И. Томаты на юге России. Овощеводство.-2019.- №11.-с.20-23.
 12. Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны). – Л. – ВИР. – 1977. – 23 с.
 13. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. -1985. –С. 163-164.
 14. Руководство по апробации овощных культур и кормовых корнеплодов. Л.,1982. –С. 10-17.
 15. Литвинов С. С. Методика полевого опыта в овощеводстве. –М.-2011.-650 с.
 16. Брежнев Д.Д. Томаты. – Л.: Государственное издательство сельскохозяйственной литературы, 1955. – 351 с.
 17. Алпатъев А.В. Помидоры. М., “Московский рабочий”, - 1981. – 302 с.
 18. Авдеев Ю.И. Селекция томатов. – Кишинев: Штиинца, 1982. – 284 с.
 19. Гавриш С.Ф. Томаты. –М.-2014.-95 с.